

**ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАТЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ ОРҚАЛИ ТАЪЛИМ
СИФАТИНИ ОШИРИШ**

Наманган давлат университети докторанти: Ш. Турсунова

Технологик таълим йўналиши талабаси: М.Охунжонова

Аннотатция: Педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари қўлланадиган педагогик технология натижаси эса, педагогнинг махоратига, педагогик классификация турларидан моҳир фойдалана олишига, илмий касбий тажрибасига, шахсий хусусият ҳамда инсоний фазилатларига боғлиқ.

Калит сўзлар: Таълим, тарбия, шахс, жамият, манфаати, педагог, таълим технологияси, махорат, билим, кўникма, малака

Ўзбекистонда таълим – тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири “шахс манфаати ва таълим устиворлиги” дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди. Таълим тараққиётида, келажакда таълим соҳасидаги ривожланишида ўқув лаборатория ва амалий ишларининг бажарилиши жуда фойдалидир.

“Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп қарра такрорланади. Жумладан, “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасида таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доирасига “... ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш” масаласи киритилган бўлса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида эса “... таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув – услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув –

тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш” зарур эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўз – ўзидан савол туғилади: Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади.

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий хужжатларда “Янги педагогик технология”, “Илғор педагогик технология”, “Замонавий педагогик технология” иборалари кенг қўлланилмоқда. Аммо “Педагогик технология” тушунчаси ҳали ҳам бир қолипга туширилмаган, қомусларда изоҳланганича йўқ, унинг мазмунини ягона талқини ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун иборанинг бир – биридан фарқланувчи кўпгина таърифлари мавжуд. Буларнинг орасида эътиборга лойикроғи ЮНЕСКО таърифидир: “Педагогик технология – бу таълим шакллари оптималлаштириш масаласини кўювчи, техник ва инсоний имкониятларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олиб ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашга системали ёндашишдир”.

Педагог ўз олдида қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?

Педагогик мақсадларга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, педагог ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки, аксинча, самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Одатдаги ўқитиш услубини тадқиқ қилишда педагогик технология тарафдорлари айнан шу нарсани назарда тутишган эди.

Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда педагогик технологияни қайси томондан таҳлил қилмайлик, унинг асоси таълим самарадорлигини оширишга, яъни кам вақт сарфлаб, кўпроқ сифатли натижага эришишга қаратилгандир.

Қўлланадиган педагогик технология натижаси эса, педагогнинг махоратига, педагогик классификатция турларидан моҳир фойдалана олишига, илмий касбий тажрибасига, шахсий хусусият ҳамда инсоний фазилатларига боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги педагогик технологиянинг асосий таркибий қисмларига оид слайдларни келтирмоқчимиз.

Технология фанига ахборот коммуникатция технологияларини тадбиқ этиш орқали таълим самарадорлигини оширишда электрон ахборот – таълим ресурслари актта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Электрон ахборот – таълим ресурси – ўрганиш ва таълим бериш учун қулай тарзда шакллантирилган, илмий жиҳатдан тизимлаштирилган, турли ёшдаги ва таълим олиш даражасидаги ўқувчи ва ўқитувчиларга мўлжалланган, маълум бир фанни ўрганиш учун мантиқий кетма-кетликда шакллантирилган электрон ахборот манбалари мажмуасидир.

Электрон ахборот таълим ресурси мақсадга йўналтирилган, шахснинг ривожланишига мўлжалланган, таълим мақсадига эришиш учун педагогик методлар ва технологияларнинг услубий изчиллигига эга бўлган педагогик сценарий асосида тузилади. Ўқув материалнинг жойлаштирилиши тузилмаси педагогик сценарийга мос тарзда амалга оширилади ва таълим бериш сифатини ошириш учун хизмат қилади.

Таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири – бу ҳар бир педагог кадрнинг касбий билим, билим, кўникма, малакаси юқори даражада бўлиши билан боғлиқ бўлиб, буни таъминлаш ҳозирги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мактабларда амалий ишларини юқори технологик савияда ташкил этишни тоқозо этади. Хусусан бошланғич синфларда ва юқори синфларда меҳнат

дарсларини ўқитишда амалий машғулотлари ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини мустаҳкамлаш, янги материалларни ўрганиш, кузутиш, табиий объектлардан кенг фойдаланиш усулини тадбиқ этиш имконини беради.

Мактабларда ўқув – устахоналари асбоб – ускуналарини, живозлаш тартиби ва талабларига риоя қилган ҳолда таълим – тарбия жараёнига тўлиқ тадбиқ этиш, улардан самарали фойдаланиш ўқувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириди.

Мактабларда амалий фанлардан дарсларини янги педагогик технологиялардан фойдаланиб олиб бориш катта самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, дарсларда қайси педагогик технологиядан фойдаланмайлик дарс сифати ва самарадорлигини оширилиши учун ситқидилдан меҳнат қилинса, юксак натижаларга эришилади. Дарсда ўқитувчи ўқувчиларга амалий машғулотларни, лаборатория ишларини янги педагогик технология асосида ташкил этса, таълим самарадорлигини оширишда улкан ёрдам бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М. Пардаева, О. Мусулмонкулова, А. Қўшмонов "Ўқувчиларнинг таълим-тарбиясидаги муҳит: муаммо ва ечим", методик қўлланма, Тошкент, 2015 йил
2. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.
3. Толипов Ў.Қ. Педагогик технология асослари. – Т.: "Мактаб ва ҳаёт" журнаliga илова, 11(035)-нашр, 2003.
4. С.Қ. Турсунов, М.Э. Мамаражабов, С.С. Жуманазаров. Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари модули. Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: 2017.